

**ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИЯ ВА ИНТЕГРАЦИЯ: ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ****Пазлитдинова Наргиза Зуриддиновна***University of Business and Science**Тил ва адабиёт таълими кафедраси мудири***Эрманбетова Шоҳсанам Бозорбоевна***University of Business and Science**Тил ва адабиёт таълими кафедраси ўқитувчиси*

Бугун мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини янги босқичга кўтариш, педагог кадрлар тайёрлаш сифатини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва олий педагогик таълимга қамров даражасини ошириш борасида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ижтимоий соҳанинг асоси ҳисобланган таълим тизимидаги ўзгаришларни ҳар биримиз бевосита кўриб, мана шу жараёнлар иштирокчиси сифатида фаолият олиб бормоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йиллар давомида соҳага доир қабул қилган қатор қарор ва фармонлари олий таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг концептуал масалаларини белгилаб берди. Кейинги йилларда мамлакатимизда олий таълим соҳасини ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги илғор тажрибалар асосида нодавлат олий таълим муассасаларини барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, профессор-ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига аҳамият қаратиб келинмоқда. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг I йўналиши “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш” деб номланган бўлиб, унинг 12-мақсади “Барча йўналишларда инновацион фаолиятни кенг жорий этиш, илмий тадқиқотларни ва инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш”га қаратилган. Илм-фан соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида 2025-йилнинг 12-март куни University of Business and Science олий таълим муассасасида “Таълим тизимида инновация, интеграция ва замонавий

педагогик технологиялар” мавзусида Халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилмоқда.

Олий таълим соҳасида амалга оширилаётган истиқболли вазифалар ўзининг долзарблиги ҳамда амалий аҳамияти билан бошқа соҳалардаги ислохотлардан асло қолишмайди. Чунки ушбу соҳадаги ислохотларни янада кенг қўламда давом эттириш давр талабидир. Хусусан, таълим ва тарбия ишларини модернизация қилиш, кадрларни мақсадли тайёрлашга тизимли ёндашиш, ўқув жараёнига инновацияларни жорий қилиш моҳиятан маънавий ва илмий тафаккур ривожиди янги босқич бўлди. Бу эса зиёлиларимиз, жумладан, ёш мутахассисларнинг дунёқараши ва кайфиятини ўзгартириб, уларнинг ҳаётга, ўз меҳнати натижаларига бўлган ишончини оширди.

Тадбир давомида иштирокчилар қуйидаги тўртта шўбада ўз тадқиқотларини тақдим этдилар:

I шўба: Таълимда педагогика ва психологияга доир масалалар;

II шўба: Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари;

III шўба: Тилшунослик: муаммо ва ечимлар;

IV шўба: Таълимда инновация, интеграция ва илғор педагогик технологиялар.

Анжуман ялпи йиғилиши University of Business and Science ректори, география фанлари доктори, профессор Боймирзаев Каримжон Мирзаҳмедовичнинг кириш сўзи билан очилиб, қатор халқаро меҳмонларнинг қизиқарли маърузалари тингланди. Жумладан:

Россия Федерацияси Калуга давлат университети профессори, педагогика фанлари доктори Исаева Нина Александровна;

Малайзия Малайя университети профессори, педагогика фанлари доктори Сакина Бинту Абдуллоҳ;

Карабук университети доценти, ф.ф.ф.д. Саидбек Болтабаев “Ўзбек тилида "катта" маъносидаги "та" сўзи ва ундан ясалган сўзларнинг этимологияси” мавзусида қизиқарли маъруза қилди;

Ҳиндистонлик меҳмон, ф.ф.ф.д., доцент Среежитҳ Рамачандран эса “Парадигм Шифт ин Литерарй Студиес” мавзусида ўз илмий ёндашувларини тақдим этди.

Шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори Жабборов Нурбой Абдулҳакимовичнинг “Ўткан кунлар” романида миллий колорит тасвирининг ўзига хослиги” мавзусидаги маърузаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

University of Business and Science тил ва адабиёт таълими кафедраси доценти, ф.ф.ф.д. Қурбонов Абдулҳамид Абдуқаюмовичнинг “Зебуннисойи Махфий ҳаёти ва ижодига доир айрим мулоҳазалар” мавзусидаги чиқиши, Наманган давлат университети доценти, ф.ф.ф.д. Дарвишов Иброҳим Ўрмоновичнинг “Наманган шева ареаллари ва уларнинг ўрганилиши” бўйича тадқиқоти ҳамда Андижон давлат педагогика институти профессори, ф.ф.д. Тожибоева Муқаддас Абдурахимовичнинг “Жадид шеъриятида мумтоз образлар аъъанаси ва унинг янгиланиши” ҳақидаги мулоҳазалари анжуман иштирокчилари томонидан катта эътирофга сазовор бўлди.

Эътиборлиси, мазкур халқаро анжуманда ёш тадқиқотчилар ҳам фаол иштирок этдилар. Жумладан, University of Business and Science лингвистика йўналиши магистранти Ҳакимов Азизбек Адхамирзаевичнинг “Ўзбек шоири Раҳимбаба Машраб ижодида классик турк адабиётининг таъсири” мавзусидаги турк тилидаги маърузаси ёшлар илмий изланишларга қанчалик қизиқаётганининг ёрқин исботи бўлди.

Конференция якунида барча иштирокчилар ва меҳмонларга ташаккурнома ва сертификатлар топширилди. Бундай халқаро анжуманларнинг мунтазам ташкил этилиши Ўзбекистон таълим тизимида халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ҳамда инновацион ёндашувларни кенг жорий этишга хизмат қилади.

“Таълим тизимида инновация, интеграция ва замонавий педагогик технологиялар” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ўтказиш ташаббуси билан чиққан ва уни молиялаштиришга кўмак берган University of Business and Science олий таълим муассасаси раҳбариятига, ўқув-услубий бўлим ҳамда илмий бўлим ходимларига илмий анжуманни ўтказишда ҳамкорлик қилган Москва шаҳар педагогика университети (Россия), Карабук университети (Туркия) айниқса, ушбу университет Чингиз Айтматов номидаги туркий дунё тадқиқот ва амалиёт маркази раҳбариятига, барча олий таълим муассасасаларига, уларнинг профессор ва доцент, докторант ва

тадқиқотчиларига, ёш мутахассислар қаторида устозлар сафига қўшилган магистратура ва бакалавриат талабаларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Умид қиламизки, ушбу анжуман доирасида шаклланган илмий ҳамкорлигимиз давом этади, бунинг баробарида адабиётшунослик, тилшунослик ва таълим соҳасининг кўрсатилган йўналишлари бўйича тараққиётга маълум маънода хизмат қилади.

Мазкур анжуманнинг юқори савияда ўтишига ҳисса қўшган University of Business and Science раҳбарияти, илмий ва ўқув-услубий бўлим ходимлари, ҳамкор олий таълим муассасалари ва барча тадқиқотчиларга миннатдорчилик билдирамиз. Умид қиламизки, бугунги анжуман давомида бошланган илмий ҳамкорлик узоқ муддатли ва самарали бўлади.









Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, узлуксиз таълимнинг барча бўғини учун педагог кадрлар тайёрлаш борасида олиб борилаётган тизимли ислохотлар юксак маданиятли, амалий касбий кўникмага эга, тарбия, ўқитиш методлари ва баҳолаш мезонларини пухта эгаллаган замонавий педагог кадрларни шакллантириш жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Мазкур илмий-амалий конференциянинг ўтказилаётганлиги ҳам бугунги кунда илм-фан соҳасидаги янгиликларни ўрганиш, амалиётга тадбиқ этиш ҳамда ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътиборнинг намунасидир.